



Баҳоси 3 тийин

Ваш секретари Ражив Ганди билан олиб борган суҳбатларини маълумлади. Р. Ганди СССР парламент гуруҳларининг тақдирига буюн Совет Иттифоқига келган эди. Суҳбат давомида Совет — Хундистон муносабатлари ҳар икки мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномада мустақамлаб берилган принциплар руҳида изчил иш-вонжлаиб бораётганлиги маъмуний билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий буюрининг мажлисида СССРнинг халқлари ва ички ҳаётига доир бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

олинади; аммо ушлаб қолинган пул ҳодонга ўртача оғлини иш ҳақининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Ҳодон ушлаб қолинадиган ҳақ ёки унинг миқдорига раъй бўлмаган тақдирда меҳнат нисоси унинг аризаасига биноан қонунларда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Қарорда ишга маст ҳолда келишни ёки иш жойида спиртли ичимликлар ичишни меҳнат интизомининг жуда кўп бузилиши деб ҳисоблаб кераклиги таъкидланган. Бундай ҳолларга қарши курашда ишга маст ҳолда келатган ишчи ва хизматчиларнинг интизомий ҳамада моддий жавобгарлиги оширилди. Шу муносабат билан:

ишчи ва хизматчиларнинг маст ҳолда ишга келиши маъмуриятнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун мустақил асос деб белгилан;

ишчи ва хизматчиларнинг

Яйни билан маст ҳолдаги хон-
димнинг ҳаракати сабабли
қорхонага, ташкилотга муас-
сага зарар етказилган тақ-
дирда улар етказган зар-
рларнинг ҳаммаси миқдордан
моддий жавобгар эканликла-
ри кўзда тутилди. Жазо си-
оқали ёки қонунларда белги-
ланган бошқача тартибда бе-
рилди.

Узрли сабабларсиз ўз ҳожи-
шига кўра ишдан бўшган
тақдирда кўйндагиларни бел-
гилаб қўйиш ҳам макссадга
мувофиқ деб топили:

ишчи ва хизматчилар
номаълум муддатга тузилган
меҳнат шартномасини бу ҳақ-
да маъмуриятни икки ой
оқдин ёзма равишда огоҳ
лантириб қўйиб, беқор қи-
лиш ҳуқуқига эгадирлар;

ишдаги узилтиш ўз ҳафта-
дан ошмаган тақдирда ўз-
луксиз иш стажы сақлаб қо-
линади.

Қорхоналар, ташкилотлар
ва муасссаларнинг раҳбар-
ларига ишчи ва хизматчи-
ларни ишдан бўшатиш ҳамда
ишга қайта қилиш билан бо-
лиқ ҳужжатлари расмий
лаштириш муддатларини қис-
қартириш юзасидан зарур
қораларни қўриш топириди.

Қарорда олий ўрта махсу-
с ўқув юртли ва хунар-тех-
ника билим юртлиларни бити-
риш чўққан кишиларни тақ-
симлаш ҳамда улардан фой-
даланишнинг муносиб тарти-
бидан қўриш қўрилади.

бида видий қамчиллиқлар борлиги қайд этиб ўтилди. Бу қадрлардан ҳаминша ҳам уларнинг ўз малакасига мувофиқ фойдаланилаётганлиги деб бўлмайдиган, улар учун жойларда қўнича тегишли ишларда чиқариш ва уй-жой-манзил шaroитлар яратиб берилмапти.

СССР Госпланига, СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Хунар-техника таълими Давлат комитетига ВЦСПС ҳамда СССР Юстиция министрлиги билан биргаликда тегишли тақлифларни олти ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топиридиган.

Иттифоқ колхозлар кенгашига ушбу қарорга мувофиқ колхознинг намунали устанига ҳамда колхоз аъзоларининг меҳнатини тартибга солуви бошқа ҳужжатларга қўнича ва ўзгартришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тасвия этилиди.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ПАРТГРУППА ТАШКИЛОТЧИСИ

Бригада ерлари марказдан олти-етти қақирим нарида ястанган. Қарталар қўшни қолхоз ерларига тутшиб кетган. Қолхозчилар ишни уйқусида босайлик деб, тонг ёришмай йўлга чиқибди-ю, лекин карта бошига кун ёйилганда етиб келишди.

— Ҳар кун бир соатдан кўпроқ вақтимиз йўлга кетаяпти, — деди бригада комсомол группаси ташкилотчиси Мамлакат Ғузикулов олдинроқда келаётган Фоти-ма Ғозиевага. Бунда иш-мизга унум кирмайдик. Сиз ичимизда каттаманасиз. Қол-хоз раҳбарларига айтип, бизни ҳар кун далагача машинада олиб келиб қўй-нинг. Кун ёйилмай ярим норма — бир норма бажариб қўяйлик.

Фоти-ма ҳам вақтни те-каш йўлини излаётган эди-ю, лекин бир тўхтамга келол-маганди. Мамлакатнинг так-лифи унга ётди.

Ақлининг балли, синг-ним, — деди Фоти-ма Мамла-катнинг елкасидан кучиб. — Бу таклифни бутуню Саид-вали акага етказаман. Ўзим-нинг ҳам партоқмоқа боради-ган ишим бор эди. Гап ора-сида битта машина сурай-ман. Тонг саҳарлаб бизни далага олиб келиб қўйса бас. Кейин шофёр ўз ишига кета-верди.

Бригада партия группаси ташкилотчиси Фоти-ма Ғозие-ва айтганини қилди. Туш-ликка барвақт қишлоқ йў-ловчи машинада марказ то-мон йўл олди. Қолхоз пар-тия комитетининг секретари Саидвали Турсунов ҳам да-лаларини айланиб ҳозиргина хонасига келиб турган экан. Фоти-ма олдин партия груп-пасининг кунги кеча бўлиб

ўтказиш, бегона ўтларга қарши курашни кучайтириш соҳасидаги вазифалар ҳақи-да доклад қилган эди. Ўшан-да вақтдан унумли фойдала-ниш бўйича ҳам гап кетган эди. Ҳозир у группа комму-нистлари қабул қилган қар-рорнинг биринчи банди ба-жаришга қизларнинг ўзича ҳис-этиди. Унда бутун куч ва имконият ғўза чопиғи дав-рида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, вақт-дан унумли фойдаланишга қаратилсин, дейилган эди. Мава энди машина шарофа-ти билан бригадани иш ҳар-кун бир соат олдин бош-ланадиган бўлапти.

Энди йилнинг қарор-ниги иккинчи бандини бажари-шга киришайлик, — деди Фоти-ма бригада бошчилиги-га. Эсиниздами, унда иш сифатини ошириш юзасидан вазифалар қўйилган эди. Бутун икковимиз пайкал орабалаб ғўза чопиғини қў-ларинг ишнинг текшириб-чиқас. Ўшларга ишонинг керак, лекин текшириб ту-ришини ҳам унутмаслик ке-рак.

Бу йил бригада сафи Ум-риниса Хайтаматова, Мастура Назарова, Гулнора Мишра-кова каби ёшлар билан ке-нгайди. Улар ўрта мактабни таомлаб бу йил тўғри дала-га йўл олишди. Коммунист-лардан Фоти-ма Ғозиева, Ху-раббий Зибеддинова, Яхия-бек Раҳмонкулов уларни ўа оталиқларига олишди.

Фоти-ма қизлар ишнинг тек-шириб қилган бўлиди. Бир йўла ғўзани ҳам янана қи-лишди, ҳам ўтдан чиқа-ришди. Бегона ўтлардан тозаланган ғўзалар энди гўё енгил нафас олаётгандек майин тебраниб турарди.

Лекин қўшни эгатларга ў-танида қайфияти бироқ бу-зилди. Мадина Эргашева би-дан Сайёра Режаматова не-гадир бугун ҳафсаласизлик билан ишлашарди. Фоти-ма чопиқдан чиқарилган ғўза-лар бўғизга ҳамон чирма-ниб турган печакларни кў-риб дарров қизларни тўх-тади.

Икковинлар гап би-лан бўлиб бегона ўтларга қарамабсизлар-ку, — деди у. — Қаранглар, шўрани ил-диз билан олмабсизлар, уч-кун демай у яна ўсиб чиқа-ди. Ғўза тағидида ўтлар ҳам қолиб кетибди. Бу аҳволда умримиз ғўза чопиғи билан ўтиб кетади-ю. Биринчи ёки иккинчи чопиғини ўзидан бегона ўтларни илдизи би-лан куришти керак. Кейин-ги чопиқларда иш суръати ошади, бир норма ўрнига икки норма бажарамиз. Пи-ронордида оладиган иш ҳа-кимиз ҳам икки баробар ошади.

Қизларнинг қўлоқларигача қизариб кетди. Дарров орқа-га қайтиб чопилган эгатлар-ни яна бир бор кўздан нечи-риб чиқинди, у ер бу ерда қолган бегона ўтларни ўл-диришди.

Фоти-ма ёшларидан ҳалол ишлашга ўргатган. Бошқа-лардан ҳам шуни талаб эта-ди. Нонин ҳалоллаб ёйишни у даставвал ота-онасидан ўргатган эди. Отаси Жамо-лиддин ака ҳам, отаси На-зира опа ҳам деҳқончилик орқасидан бола-чақа боқиб-сан. Ёш Фоти-ма қаниқуль қўлиларидан далага чиқиб, уларга кўмаклашарди. Ўқин-чи тутатди-ю, тўғри ота-она-нига кирди. Тақдирини пах-та билан боғлади. Шу ерда пахтакорлар уни партияга

қабул қилишди, кейин иш-ниб бригада партия группаси ташкилотчилигига сай-лашди.

КПСС Марказий Комите-ти июнь Пленуми якунлари-га бағишлаб бригадада ўтка-зилган суҳбат чоғида беҳ-тиёр меҳнатга оғли муно-сабат ҳусусида баҳс кетди. Шунда йилгит-қизлар Фоти-ма Ғозиева номини кўп марта тилга олишди. Фотиманинг жамоат тошпиринларини ҳам, ўз вазифасини ҳам ҳа-лол, сидқидилдан бажараёт-ганлигини таъкидлашди. Барчани Фотимага ўхшаш коммунистлардан ўрнат олишга даъват этишди. Бри-гадада фидокорлар қанчалик кўп бўлса, шунча яхши. Хо-зир кўпгина ёшлар фидокор коммунистлардан ўрнат олиб меҳнатга оғли муносабатда бўлмоқдалар, зиммаларидати вазифани сидқидилдан адо-этомқалар.

«Ўзбекистон» колхозининг Николай Ли бошлиқ комсо-мол-ёшлар бригадаси аъзо-лари бу йил 79 гектар май-донда деҳқончилик қилиш-япти. Ўтган йили шу дала-лардан гектар бошига 40 центнердан «оқ олтин» ҳо-сили йиғиштириб олинган эди. Бу йил ёшлар 45 цент-нерлик маррани кўзлашяпти. Партия группаси бригада коммунистлари, барча меҳ-наткашлар эътиборини мана шу юксак маррани эгаллаш-га қаратмоқда. Ҳозир ғўза шохларидан кўсаклар қўлай-моқда, Уларга боқиб Фо-тиманинг қалби бир олам қувончга ўзляпти.

Ж. НОСНРОВ,
Коммунистик райони.

В. Сироткин фотоси.

ДЕПУТАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

КОЛЛЕКТИВ ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИБ

Кўп болалари она, чевар Ойша Мавлонова депутатлар хонасидан чехраси ёришиб чиқди. Унинг илтимосига би-ноан корхона депутатлик группаси аъзолари турар-жой билан таъминлашда кў-маклашишга ваъда бериш-ган эди. Мава бугун сўзла-рининг устидан чиққилар. Ойша опа Юнусовд масси-нидаги тўрт хонали кварти-ранинг калитини қўлига ол-ди.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзе-бекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тивувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасида ша-ҳар ва район Советларнинг 22 нафар депутатидан ибор-рат группа ташкил этилган. Унинг аъзолари меҳнат унумдорлигини оширишдан ташқари бевосита ишчи-хиз-матчиларнинг турмуш шаро-итларини янада яхшилаш масалалари билан шуғуллани-шади. Масалан, тивувчи-лар илтимосига биноан ку-рилган 2 та 120 ўринли ошхонада ярим тайёр маҳ-сулотлар сотиш йўлга қў-йилганлиги, 2 та 200 ўрин-ли болалар боғчалари кўриб битказилганлиги депутатлар фаолияти ҳамкорлигининг самарасидир.

Халқ вакиллари бирлаш-ма ва унинг филиалларида-ги медицина пунктлари иш-ни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Йой-ларда санитария-гигиена тартиби кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Чеварларга апте-ка, кимёвий тозалаш пункти хизмат кўрсатмоқда.

Депутатларнинг меҳнатда-ги шахсий ўрнига гойат м-ҳимдир. Корхона ишчи-хиз-матчилари томонидан ма-ҳаллий Советларга сайлан-ган кишилар бевосита меҳ-натда ҳам бошқаларга наму-на кўрсатмоқдалар. Жумла-дан, шаҳар Советининг де-путати Флора Полтаева бир ҳафтада икки ҳафталик топ-ширини бажариш ташаб-буси билан чиққан эди. Ил-гори бичиқчи ҳозир ўн иккин-чи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилляпти.

17 йилдан буён шу кор-хонада ишлаб келаётган На-фиса Алимовани ҳамкасбла-ри Киров район Совети де-путатлигига сайлашган. У чех касабга союз комитети-нинг раиси сифатида ҳам кўпгина маданий-маиший тадбирларни амалга оши-ришга бош-қош. Депутатлар-дан Барно Обидова, Заро-фат Султоновлар ҳам де-путатлик суръатларини сидқидилдан адо этиш билан иш-лаб чиқариш топшириқлари-ни 130—140 процент қилиб бажармоқдалар.

Корхона коллективи шу йилнинг ўтган ойларидан планга қўшимча равишда 550 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқарди. Умумий махсулотнинг 40 процент-дан ортиқроғи давлат Сифат белгиси билан танқим этил-ди. Бу ўтиқларда корхонада меҳнат қилаётган халқ ва-килларининг ҳам салмоғи ҳиссаси бор.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРЧУ ИЗИДАН

«КЎЧАТЛАР НЕГА КЎКАРМАЯПТИ?»

Юқоридаги сарлавҳа ости-да газетда босилган мақо-лада айрим район, шаҳар-ларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экки, улар-ни парварши қилиш, кўка-ртиришга эътиборсизлик би-лан қаралаётгани, натижада ниҳолларнинг кўпгина қисми кўриб қолаётганлиги танқид қилинган эди.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Совети икковия коми-тети раисининг ўринбосари Ю. Ёқубовдан олинган жа-вобда автобус-таксомотор парки коллективи ўзига аж-

ратиб берилган участкага уч йилдан бери кўчат эккиб, улар парваршига эътибор берилмаганига натижада ниҳоллар кўриб қолаётгани-ги ҳақиқат фактлар тўғри эканлиги таби олинди.

Кўчатни экки бўлгач, иш-ми битди, плани бажариб бўлдиқ деб ниҳоллар парва-ришга эътибор бермаган автобаза директори С. З. Горшенинов ва партия ташки-лотининг секретари С. М. Бердикулов қаттиқ оғохлан-тирдилар. Тутган ниҳолларни сақлаш учун ҳозир барча тадбирлар кўриляпти.

Дарҳақиқат, шундай. ГРЭСдаги ишларни кузатар экансан, зарбдор курилишга хос бўлмаган хотиржамлик кишини ташвишга солади. Баҳолани, бу участкадаги ишлар график бўйича 1 сен-тябргача тугалланиши керак. Ким билан суҳбатлашмайлик «қолган вақт ичда барча ишлар бажариб бўлинадик» дейишдан нарига ўтмайлик.

Бунга биз ҳам ишончимиз келади. Қоларевга участка-даги бетончи Р. Бахманов, пайналдилар Р. Мухамед-нов ва А. Гожин, арматурачи Э. Турсов, қранччи А. Ис-томилларнинг зарбдор меҳ-натлари ва бошқа ишкорлар-нинг нормани 1,3—2 баъ-вар қилиб бажаришлари ҳам шу мақсадга қаратилган. Ле-кин ёрдамчи пайналди таш-килотлар ана шу ҳаракатлар-га ҳамоҳанг ўз ҳиссаларини қўшармикинлар?

А. МИРАЛИМОВ.

ИШИ НОМИГА ЛОЙИҚ

ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжали-ги машинасозлиги заводин-инг Иван Телегин бошчили-гидати бригадаси асбобсоз-лик цехида энг биринчи ко-мунистик меҳнат коллектив-ларидан саналади. Бригада бу шарафли номига сазовор бўлганига 24 йилдан ошди. Ушса кезларда коллективга таниқли фрезерчи, ажойиб устоз Николай Десятков бри-гадирлиқ қиларди. Ветеран тузган бригада — коммуни-стик меҳнат коллектини ҳа-мон ўз номига монанд иш-ларни бажариб, байроқдор-лигини қўлдан бермай келяп-ти.

— Дарҳақиқат шундай, — дейди бригада фрезерчиси К. Иноғомов. — Ҳар бири-миз икки ва ундан ортиқ мутахассислигини эгаллаган-ми. Бу эса ўзаро ёрдам, зарур бўлганда қолоқ участка-га ўтиб уларга кўмакла-шиш ва пировард натижада бригада кўрсаткичларини юксалтиришга ёрдам бермоқ-да. Шу йилнинг октябр ойи-да мамлакатимизда меҳнатга коммунистик муносабат ҳа-ракатининг 25 йиллиги ни-шонланади. Бизнинг бригада эса ана шу санага атаб ў-казилаётган мусобақада ал-батта, ғолиблар сафидан ўрин олиш учун курашмоқ-да. Ахир коллективимиз 24 йилдан бери шарафли но-мини оқлаб келяпти.

М. АЛИЕВ.

«Ташхиссельмаш» за-водининг ишчи-хизматчилари шу кунларда ҳўжаликларга кўплаб машиналар етказиб беришга ҳаракат қилмоқда-лар. Илгорларнинг намуна кўрсатиб меҳнат қилиши пилдан ташқари қўшимча машиналар тайёрлаш им-конини берапти. Суратда: техник назорат бўлими бош-лигининг ўринбосари Е. Три-шин (марказда) бригада бошликлари В. Юнусов (чап-дан), Г. Ли, В. Квасов ва А. Савельев билан суҳбат-лашяпти.

С. БАРАННИКОВ фотоси.



Одатда энг кўп қўл меҳ-нат кучи сарфланадиган юк орттиш-тушириш, транспорт-ромбор ишларини механизма-циялашга катта эътибор бе-рилади. Шу мақсадда кўпги-на транспорт воситалари, қранлар ва бошқа шу каби механизмлар ишга тушири-лади. Натижада бу нарсалар-нинг механизация даражаси 78 процентга етди. Бу ўз навбатида иқтисодий кўрсат-кичларнинг яхшиланишига ёрдам берди. Кўрилган иқти-содий самара умуман 337 минг сўмдан кўпроғини таш-кил этди. 30 ишчини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди.

Техника тараққиети—ютуқлар омили

БОШ ЙЎЛ

Меҳнатин илмий ташкил этиш юзасидан амалга оши-рилаётган тадбирлар фойда-си салмоқли бўлмоқда. Бар-ча цехлар ва участкаларда шу йўлда илгирчилаш ишлар қилинди. Умуман корхона бўйича меҳнатин илмий уюштириш тадбирларини жор-ий қилишда кўрилган фой-да фақатгина ўтган йили 78,5 минг сўмлик ташкил этди ҳамда 48 ишчи кучини тежаб қолдиш имконини берди. Бу соҳада, айниқса, иш-жойини аттестация қилиш сезиларли роль ўйнамоқда. Комиссияга тақдим этилган 422 иш жойидан 333 таси аттестация қилинди. Умуман завод бўйича ҳозирги вақт-гача аттестация қилинган иш жойи 2015 тага етди ёки барча иш жойининг 60,1 процентини ташкил этди.

Коллективимиз асосан ўз кучи билан заводни техник қайта ускуналашган амалга оширмоқда. Айниқса, меха-низация цехи коллективнинг фаолияти мактовга сазовор-дир. Бу бўлими ишчи-хиз-матчилари корхонадаги кў-плаб кемтик участкаларни бартараф этишга ёрдам бер-дилар. Улар тадбирлар план-ларини ошириб адо этишяпти. Ўтган йилги натижа топ-шириқиданга нисбатан 10 процент ортиқ бўлди. Бу

лимит мутахассислари ишлаб чиқаришдаги аҳволга оид ах-боротларни қисқа муддат ичида ҳатто участкалар ва бригадаларга маълум қилиш имконига эга бўлмоқдалар.

Ахборотни ўз вақтида ва сифатли етказиб туриш иш-лаб чиқариш масалаларини оператив ҳал қилишга ёрдам беради. Бу тадбирнинг қан-чалик катта аҳамиятига эга эканлигини бир мисол билан кўз олдингизга келтирмоқчи-миз. 22-йилги цехида техник ахборотни тўплаш ва акс эт-тириш воситаларини жорий қилиш 120 минг сўмлик фойда келтирадиган бўлди.

Техник янгиланларни кор-хонанинг барча цехларида учратниш мумкин. Масалан, қувоқ цехининг 2-контейнерида кичик — ҳажмли қувоқлар учун автоматлашган занжир-ли қопиллаш линияси ишга туширилди. Биринга ана шу тадбир яроқли қувоқларнинг чиқариш 78 процентга ет-казиш имконини берди. Ил-гари эса бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 59,1 процентни таш-кил этди. Айни вақтда беш қопилловчи бошқа конвейер-ларда ишлашга ўтказилди.

Шуниин диққатга сазовор-ки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумидан сўнг заводимиз-да-фан-техника тараққиетини

Областимизнинг энг йирик нурхоналаридан бири — Ян-ги Ангрес ГРЭСининг бири-чи энергоблоки ишга туши-рилишига бир йил вақт қол-ди. Шунинг учун ГРЭС ку-рилиш бошқармасининг ко-лективи қолган вақт ичида барча бўёқдорлик ишларини ниҳонсига етказиб, станция-да дастлабки киловатт электр энергияси ишлаб чиқарила-диган кўшни яқинлаштириш-га ҳаракат қилияпти.

Янги Ангрес ГРЭСи ку-рилишдаги ҳозирги асосий ва-зифалардан бири бош-корпус курилишини ниҳонси-га етказишдир. Бу ишда бир неча ёрдамчи ташкилотлар иштирок этишяпти. Бош кор-пус курилишида бошқарма-нинг Кинесбай Маметов бош-чилигидаги 1-участка азамат-лари ишламоқда. Улар ик-кита комплекс бригадаларга бў-линган. Бригадаларга Э. Пўлдошев ва А. Шокоров сингари таниқли курувчилар етакчилик қилишяпти.

Янги Ангрес ГРЭСи курилишида

ТАШВИШЛИ ХОТИРЖАМЛИК

Афсуски, аннан ана шу участкада ишлар қўйилди-гидек бўлмайпти. Гарчанд бу иш-када бригада социалистик мусобақада мунтазам пешқа-дамлик қилиб келаётган бўл-сада, уларга боғлиқ бўл-маган сабабларга кўра об-ъект курилиш қўйилди.

Ҳозиргача бу ерда 2 мил-лион 127 минг сўмлик ўрни-га 1 миллион 238 минг сўм-лик капитал маблағ балош-тирилди. Бундан оқсанага асосий сўмаб нимада?

Айниқса, фидокор мате-риаллар, таъмир бетон, арматура, энг ўз вақтида етказиб беришмаслигини-да, Албатта, кўп ишчи бошқарма-нинг ишчи-хизматчилари, ҳодимлари, ишчи ва касба

союз ташкилотлари бу оқ-санини бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кў-рмоқдалар. Лекин объекта турли бинокорлик материал-ларига ҳам келтиришмаяпти.

Курувчиларимиз ҳар кун бир неча соатлаб бўш-туриб қолишга мажбур бў-лишяпти. — дейди 1-участ-ка прораби В. Цой. — Бу ав-вало ёрдамчи ташкилотлар билан алоқанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайлидир. Хусусан, махсус ишлар бош-қармаси ҳамда «Среднеэнер-гомотаж» бошқармаси кол-лективни графикадаги ишларни ўз вақтида ниҳонсига етказ-

мади. Натижада келгуси иш-ларни давом эттирولмай ку-тиб турганимизга тўғри ке-лади. Ҳозирги вазиятни ми-солга олайлик.

Айни пайтда умумий на-сос станциясида меҳнат қи-лаямиз. Турбогенератор иш-га тушунга қадар кенг ҳажмдаги ишларни поёнга етказиш зарур. Бетон ёқи-зиш, уларни текислаш, пи-шиқлигини текшириш, чала қолган ишларни тўла ниҳоя-сига етказиш зарур. Афсу-сий, бу ишларнинг ярми ҳам қилиб бўлингани йўқ. Чунки, турбогенераторнинг ўзи тўла комплексланган эмас. Тўсиқ-лилардан эса турли катта-лиқда келтириляпти. Демак, уларни ҳам ишлатиб бўлмай-ди.

Дарҳақиқат, шундай. ГРЭСдаги ишларни кузатар экансан, зарбдор курилишга хос бўлмаган хотиржамлик кишини ташвишга солади. Баҳолани, бу участкадаги ишлар график бўйича 1 сен-тябргача тугалланиши керак. Ким билан суҳбатлашмайлик «қолган вақт ичда барча ишлар бажариб бўлинадик» дейишдан нарига ўтмайлик.

А. МИРАЛИМОВ.

«БАҲОР» САФАРДАН ҚАЙТИДИ...

ТУНИСЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТИБ...

ЯКИНДА Тунисда XII халқаро санъат фестивали бўлиб ўтди. Карфагендаги қадимги Рим шаҳасида 20 мамлакатдан келган бадий коллективлар бир неча кун давомида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Совет Иттифонининг вакили сифатида бу санъат анжуманида иштирок этган М. Турғунбоева нонидидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ раёс ансамблига фестивалининг энг яхши хореография учун аталган биринчи мукофоти берилди.

Ансамблининг бадий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қўндўз МИРКАРИМОВА фестивал таассуротларини қуйдагича ҳикоя қилиб берди.

— АВВАЛО шунинг айтиши керакки, мамлакатимизнинг вакили сифатида бу халқаро фестивалда иштирок этишимиз коллективимизга бандирилган юксак ишончдир. Биз ана шу ишончни оқлаш учун жиддий тайёргарлик кўрдик. Репертуаримизни янги раёс, дилрабо куй ва кўшиқлар билан бойитдик, либрелларимизни юркамлаштирдик, баъзи бир асарларни қайтадан кўздан кечириб чиқдик. 13 июлда Карфагенда 28

бир чиқишларимизни қайта-қайта намойиш қилишимизни илтимос қилишди. Уларга, айниқса, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева юқорисидан СССР халқ артисти М. Турғунбоева саҳналаштирган араб халқ раёси «Мустанот» ҳамда республикада хизмат кўрсатган артист Аҳмадйон Шукров ижро этган араб кўшиқлари жуда ҳам манзур бўлди. Тошбабинлар санъаткорларимиз ижро этган маъмур кўшиқларга беихтиёр жўр бўлиб, истеъдодли санъаткорлар маҳоратига таян бердик.

20 июль куни Картаж шаҳрида Венгрия ва Югославия санъаткорлари билан ҳамкорликда кўйган концертимиз қалбимизда ўчмас эъландир. Бу концерт программасини устоз М. Турғунбоева саҳналаштирган «Баҳор» баллиси билан бошлаганимизда, тошбабинлар



Республикамиз самбосини Владимир Соболев (суратда ўнгда) СССР халқлари VIII ёғи спартакиадасининг ғолиби бўлди.

М. Чунин фотос.

(ТАСС).

СССР халқларининг VIII Спартакиадаси низоҳисига етди. 11 майдан 5 августгача давом этган бу мусобақаларда 246 комплект медал учун кизгин кураш борди. Республика вакиллари спартакиадани низоҳида кўтаринки руҳда ўтказдилар. Улар 8 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза медалнинг сазовор бўлишди ва умумкоманда ҳисобида фахрлик бўғинини эгалладилар.

Мусобақалар кизгин давом этган бир пайтда Москвадан Тошкентга хушхабар келди. Спартакиадага тайёргарлик йиллари оммавий мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишда эришилган ютуқлар якунига кўра Ўзбекистон ССР ҳамда Тошкент ва Фарғона областлари СССР халқлари VIII спартакиадасининг лавреати бўлди. Дарҳақиқат, пойтахт вакиллари йиллик мусобақаларда республикамиз спорт шарафини муносиб ҳисоб қилдилар. Чирчиликлик Александр Харлов 400 метрга туслиқлар оша югуришда республика вакиллари орасида биринчи бўлиб олтин медалга сазовор бўлди. Бекобод раёнидаги «Коммунизм» колхозининг азизи, пахтакорчи Александр Парнов эса лангар билан сакрашда иккинчи натижа кўрсатди. Спартакиаданинг кумуш медалига сазовор бўлган чирчиликлик «Мехнат» вакили, баландликка сакраш устаси Людмила Бузузованинг маҳорати ҳам таъсирчан бўлди. Яна бир обаластимиз вакили, Боксчи Георгий Пинчук ҳам кумуш медалга сазовор бўлди.

Бекободлик қанозда эшакан эшиш устаси Эдем Муродасилов бронза медалини кўнға киритди. Шунингдек, 4100 метрга эстафетали югуришда умумкоманда ҳисобида кўнға кiritилган бронза медалига ҳам обаластимиз вакиллари муносиб ҳиссаси бор. Мусобақанинг бу турда стартаги чиққан тўрт спортчи муносиб ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари чирчиликлик Татьяна Вилкова, олмаликлик Марина Шаомина ва Вера Оленченколаридир. Велоспортчиларнинг 100 километрга ўтказилган команда пойғасида ҳам Ўзбекистон ССР терма командаси мумкоманда ҳисобидан учинчи ўринни эгаллади. Бу ғалабада олмаликлик динамочилар Николай Кривошеев, Юрий Абрамов, қиррайлик студент Жамолдин Абдуҷабборларининг муносиб ҳиссаси бор.

Эртага мамлакат чемпионатида олий лига командалари нобайтадаги тур ўйинларини ўтказадилар. «Пахтакор» ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасининг қабул қилади. Ўтган жума кунин пахтакорчилар мавсумдаги ўйинчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар бу сафар пойтахт динамочиларини 1:0 ҳисобида мағлуб эттишди. Ягона тўпни учрашувнинг 65-минутда ёш ҳужумчи Шкирин киритди. Учрашувда майдон эгалларининг устулгини сезилиб турди. Улар тез-тез ҳужум уюштиришди. Лекин, меҳмонлар ҳам бўш қелишгани йўқ. Динамочилар ўз дарвозаларини аниқ ҳимоя қилиш билан бирга шиддатли қарши ҳужумга ўтидилар. Ана шундай қийин учрашувда қўлга киритилган ғалабадан сўнг пахтакорчилар турнир жадвалининг фахрлик ўйинчи поғонасига кўтариладилар.

Шу турнирнинг қолган учрашувларига қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск) — 0:2, «Металлист» — «Жальгирис» — 2:1, «Торпедо» (Москва) — ЦСКА — 1:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Черноморец» — 3:0, «Нефтьчи» — «Нистру» — 0:0, «Арават» — «Днепр» — 0:2, «Торпедо» (Кутаиси) — «Шахтёр» — 3:1, «Зенит» — «Спартак» — 0:2.

РЕДАКТОР ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА

Эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

Ф. Хўжаев номидаги 1-поябзал фабрикаси қошда

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУВИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчилар, заготовкка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контроллерлар, слесарь ремонтчи, электромонтер, конструктор-модельер, модели пойабзал тикувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЁҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ХУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СУМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини олади. Билим юрти қошда ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чикариши учун пойабзалчилар маданий саройи ва уйдаги туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўғрисидаги мунтазам равшанда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошда бешула болалар ва аёллар қўлақларини бичиш-тқиш курси очилган, бичирувчиларга гувоҳнома берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ ЕШЛАР МАКТАБИ БОР

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАЙДИ.

Билим юртини аёло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўллашма берилади.

Ўқиниш қарнини ҳақлашлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойида, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см ҳажмида 6 дола фотосурат.

ХУЖАТЛАР ҲАР КҮНИ (ишланганда ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти: Тошкент шаҳар, В. Хельмшайннинг кўчаси, 6-й (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг, «Поябзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ЯНГИ САВДО ШАҲОБЧАЛАРИ

Чиноз шаҳрида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш тармоқлари кўпайиб бормоқда. Яқинда шаҳар меҳнатчилари учун яна бир қўлайлик яратилди. Шаҳар марказида қўриб битказилган икки қаватли савдо қанозонаси — «Наврўз» универмаги ишлай бошлади. Тайёр кийимлар, галантерея, трюкжак, ёдгорлик совғалари билан савдо қилувчи бу янги магазинда еттига бўлиб бўлиб, 24 нафар малакали сотувчи хандорлар аҳтижини қондирмоқда.

Шунингдек, райондаги «Олмазор» посёлкисидда ҳам янги уй-рўзгор буюмлари магазини, «Чиноз» совхоз-техникумининг 3-фермаси территориясида эса «Фарҳод» кафееси фойдаланишга топширилди.

ДУҒОНАЛАР ИБРАТИ

«Олмазор» посёлкисиддаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи ҳодимлари айни пайтда сажия турдаги буюмларини бажармоқдалар. Меҳнатнашлар, айнақча, модалар ателеси, арканлар ва аёллар саргарошонлиси, фотосуратга ва комплекслар қабул қилиш пунктлари хизматидан беҳад мамун бўлмоқдалар. Г. Умбетова, З. Назарова, З. Алиева каби ишчан ҳодимлар аҳолидан тўшаётган буюмларини тез ва сифатли бажаришда ҳаммасларига намуна кўрсатишган.

М. ИСМОИЛОВА.

ДУСТЛИК МЕРИДИАНЛАРИДА

Бутуниттифок зарбдор қурилиш деб эълон қилинган Курск атом электростанцияси учинчи энергоблокни қурувчилари ҳузурида Тошкент алоқа электротехника институтининг «Саязист» агитбригадаси аъзолари ўз санъатларини намойиш қилдилар. Студентлар ўз программаларини қурилишда фидокорлик намуналарини кўрсатаётганларга 2000 йиллик юбилейини нишонлаётган Тошкентдан алағали салом

топшириш билан бошладилар. Дўстликнинг, бунёдкор меҳнат ишисини улуғловчи куй ва кўшиқлар баралла янгради. Шу бондан ҳам «Саязист» агитбригадасининг программасини атом электростанцияси қурувчилари зўр қўвонч билан кутиб олдилар. Бу хилдаги учрашувлар

Курск области саноат корхоналарида, ҳўжаликлариди тез-тез такоррланиб турди. Санъат пиньявандалари Д. Саидова, Г. Брём, О. Луговский, Р. Нуриддинов, Р. Валитов каби студентларнинг чиқишларини узоқ давом этган қарсаклар билан олқишладилар.

КИТОБ ЖАВОНИГИЗГА

● Езувчи Жонрид Абдулахоновнинг икки жилдан иборат «Сайланмасининг» иккинчи жилдига адибнинг «Тўғри» романи киритилган. Қурувчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи бу асар ҳақиқий меҳнаткашлар, уларнинг тақдир ва характерларини тўлақонли бадий образлар орқали очиб беради. Роман 1974 йилда ВЦСПС ва СССР Езувчилар союзи мукофотиға сазовор бўлган.

● Ҳажвчи езувчи, «Наштар» киножурналининг масъул котиби Сами Абдуқаҳор ўзининг ўн бешдан ортиқ масаллар, ҳажвчи ҳикоялар, шеърли фелетонлар тўпламлари билан ўзбек китобхоналарига ахши таниш. Езувчининг 60 ёши тулғиш муносабати билан чоп этилган «Қоялар ва соғлар» китобида турли йилларда ёзилган ҳажвчи шеърлар, малсанлар, пародиялар, шеърли фелетонлар ҳамда сатирик ҳикоялари жамланган.

● Республика кўрлар жамияти «Бир сафда» журналининг бош муҳаррири Карим Аҳмедов «Эзи истаб» ҳужжатли қиссасида оддий декоран фарзанди Қудратнинг бошидан кечирганларини ҳикоя қилади. Совет ҳокимиятининг оталарча ғамхўрлиги, дўстларининг беғарас эрдмалари

туфайли кўзи ожиз йигит жамиятда ўз ўринини топиб олади.

● Игна билан ёзилган «Кўнғил кўзгиси» ҳужжатли қисса муеллифи Ҳасан Исломов она Ватанимизни немис-фашист босқинчиларидан озод этиш учун бўлган қонли жангларда қатнашиб икки қўздан ажратилган. Коммунист-жангчи ўз ҳаёт йўли асосида совет кишиларига хос буюк бардош ва мустақам ирода ҳислатлари ҳақида бадий йўсинда бахили қудрат ҳикоя қилишга интилган.

● Шоир Хуришд Давроннинг «Учиб бораман қушлар билан» китобчасида табиат ва унинг инсон қалбига ҳамон ханглиги тасвирланган теран, лирик шеърлари ҳамда «Уйғок тошлар» драматик достони киритилган.

● «Она дийдори» деб номланган қиссада меҳрга ташна қизнинг эзтироблари, жонқуяр одамларнинг фидойи хизматлари, асар қаҳрамонининг бурча содоқати, ҳалоллик йўлидаги қурашлари ўз аксини топган. Қисса муеллифи езувчи Неймат Екубовдир.

● Таниқли қўшиқчи шоир, Ғафур Гулом номидаги мукофот лауреати Пулат Муминнинг 60 ёшига тўлиши муносабати билан турли йилларда ёзилган сара шеърлари ва ғазалларидан жамланган, китобхоналарга тўхта этилган асар «Қўшиқ айтиб» деб номланган.

● Ҳозирги замон ҳинд адабиётининг кўзга қўрилган намуналаридан бири—Бхагватгитанин «Дайид» романи ҳикоялар тўплами ўзбек тилида илк бор нашр этилди. Адиб ўз ҳикоялари орқали оддий халқнинг қунадилик ҳаёти, ахшиликка интилишлари, орзу-утинди, уларнинг ўзаро муносабатлари ва эзгу туғиларини акс эттирган.

Хикояларнинг ҳинд тилидан Ҳамид Жабборов таржимаси қилган.

● Қозоқ езувчиси Қаловбек Турсунқуловнинг «Кечиккан хат» асари қаҳрамонларининг ҳаммаси ёшлар — кечкина олий мактабни битириб овул, кишлоқларига келган агрономлар, арчалар, педагоглар. Ҳаёт бўсағасига мустақил қадам қўйган бу йигитқизлар бир-бирларини самийи севадилар, ишқ-рашк изтиробларини тортдилар ва низоҳат ҳамма тўқиларини энгиз ўтиб, жамиятда ўз ўринларини топадилар.

Тўплам уч қисса ва икки ҳикоядан иборат.

УШБУ КИТОБЛАР ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНАЪАТ НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН.

ётган бир пайтга тўғри келди. Шу бондан ҳам ижодий сафар давомида ўзбек санъати билан танишган 10 мингдан ортиқ киши қалбиди интернационализм ва ватанпарварлик туғилари баралла жўш урди. Ҳамма жойда ёш студент-ҳаваскорлар ўз санъатлари учун миннатдорчилик сўзларини эшитдилар.

А. ИБРОҲИМОВ.

ФУТБОЛ

УЧИНЧИ УРИН

Эртага мамлакат чемпионатида олий лига командалари нобайтадаги тур ўйинларини ўтказадилар. «Пахтакор» ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасининг қабул қилади. Ўтган жума кунин пахтакорчилар мавсумдаги ўйинчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар бу сафар пойтахт динамочиларини 1:0 ҳисобида мағлуб эттишди. Ягона тўпни учрашувнинг 65-минутда ёш ҳужумчи Шкирин киритди. Учрашувда майдон эгалларининг устулгини сезилиб турди. Улар тез-тез ҳужум уюштиришди. Лекин, меҳмонлар ҳам бўш қелишгани йўқ. Динамочилар ўз дарвозаларини аниқ ҳимоя қилиш билан бирга шиддатли қарши ҳужумга ўтидилар. Ана шундай қийин учрашувда қўлга киритилган ғалабадан сўнг пахтакорчилар турнир жадвалининг фахрлик ўйинчи поғонасига кўтариладилар.

Шу турнирнинг қолган учрашувларига қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск) — 0:2, «Металлист» — «Жальгирис» — 2:1, «Торпедо» (Москва) — ЦСКА — 1:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Черноморец» — 3:0, «Нефтьчи» — «Нистру» — 0:0, «Арават» — «Днепр» — 0:2, «Торпедо» (Кутаиси) — «Шахтёр» — 3:1, «Зенит» — «Спартак» — 0:2.

РЕДАКТОР ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.



ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1984 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ.

Газетанинг обуна баҳоси: бир йилга — 6 сум 80 тийин олти ойга — 3 сум 30 тийин Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар кунин ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишини унутманг.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРТАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:

700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ ҳўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, татлар ва оммавий ишлар; фелетонлар — 334048, 325354, Фотомухбир — 325894.

ИНДЕКС: 64684.

Б — 1658.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

